

## Пудрат шартномаси

2022-сон

2022 йил “28” март

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ва иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниинг компанияси” ДУК Фарғона вилояти худудий филиали номидан Низом асосида иш кўрувчи директор М.Мамадувалиев бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “MODERN PROJECT SERVICE GROUP” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи Ф.Солиев иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июнъдаги ПҚ-5152-сонли қарорининг З-иловаси ижроси юзасидан 2022 йилда Фарғона вилоятидаги кўп қаватли уйларнининг туташ худудларини ободонлаштириш ишларини лойихалаштириш учун мазкур шартномасини туздилар.

### I. Шартнома предмети

1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июнъдаги ПҚ-5152-сонли қарорининг З-иловаси ижроси юзасидан 2022 йилда Фарғона вилоятидаги кўп қаватли уйларнининг туташ худудларини ободонлаштириш ишларини лойихалаштиришни бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Бажарувчига ишларини бажариш учун зарур нуқсон далолатномасини тақдим этади, ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (**2022 йил «25» март кунги Лот № 51711-сонли йиғилиш баённома**) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган холда жорий нархларда **326 580 000 сўм (уч юз йигирма олти миллион беш юз саксон минг)** сўмни ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Иш хажми қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажкор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### III. Бажарувчи ва Буюртмачининг мажбуриятлари

5. Агар ишнинг бажарилиши давомида салбий натижага эришилиши аниқланган тақдирда барча ишларни тўхтатиб, холат тўғрисида уч кунлик муддат ичida Буюртмачини хабардор қилиш;

6. Буюртмачидан маълумотлар олган тақдирда Бажарувчи томонидан ушбу маълумотларни маълум қилмаслик ва Буюртмачининг руҳсатисиз учинчи шахсларга бермаслик;

7. «Бажарувчи» ишни сифатли бажариши, хужжатларни барча илмий техникавий ва иқтисодий талабларга ва меъёрларга, Ўзбекистон Республикаси ўрнатилган барча қонунларга риоя этилган холда бажаришга;

8. Бажарувчи томонидан Буюртмачининг барча қўрсатмаларини бажариш ва бажарилаётган ишлар тўғрисида талаф қилинган вақтда ахборот бериб туриш;

9. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини экспертиза органларида химоя қилишида иштирок этиш.

10. Буюртмачи ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

11. Шартнома талабларига кўра аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

12. **Бажарувчи** қурилиш ишлари бўйича муаллифлик назоратини қурилиш ишлари бутун давомида амалга оширилишини таъминлайди.

#### **IV. Ишларни бажариш муддати**

13. Бажарувчи мазкур шартномага мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

14. Танлов натижаси бўйича аниqlанган ишнинг давом этиши вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **20 кунни ташкил** этади.

#### **V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

15. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг **30 %** миқдорида, аванс ўтказади, бу **97 974 000 (тўқсон етти миллион тўққиз юз етмиш тўрт минг)** сўмни ташкил этади.

16. Бажарилган ишлар учун шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлар тугаллангандан кейин ва ишлар белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин тўлиқ хажмда амалга оширилади:

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 20 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

18. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсири этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишаузайтирилади.

19. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласилади.

20. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **VII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

21. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

22. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 1 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **1 фоизидан ошмаслиги лозим**.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

23. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равища бош тортилганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 4 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

24. Бажарувчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг **1 фоизидан ошмаслиги лозим**.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда

пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 1 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди

24. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

25. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

26. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### IX. Алоҳида шартлар

27. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

28. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

29. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишида тасдиқлаши керак.

30. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

31. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи:	Бажарувчи:
<p><b>“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмиrlаш ва иссиқлик таъминоти обьектларини қуриш бўйинча инжиниринг компанияси” ДУК Фарғона вилояти худудий филиали</b></p> <p>Манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси 30-уй. СТИР: 307915635 Л/С: 1000 218 603 040 170 699 021 100 11 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги <u>Газначилиги</u> <u>Тошкент ш. МБББ ХХКМ</u> <u>МФО 00014 ИНН 201122919 .</u> <u>Рахбар: М.Мамадувалиев</u></p> <p>M.Y.</p>	<p><b>“MODERN PROJECT SERVIS GROUP” МЧЖ</b></p> <p>Манзил: Фарғона вилояти Тошлоқ тумани А.Навоий кўчаси 32а- уй Банк: Узмиллийбанк Фарғона филиали</p> <p>X/P: 2020 8000 9051 2104 3001 МФО: 00493 ИНН: 306705217 Тел: 91 119-27-17</p> <p><u>Рахбар: Ф.Солиев</u></p>

Хукуқшунос:

Х.Эралиев

